Ўз ССР Давлат китоб палатаси
Кн.
Гос. книжная палата УзССР
-90395

Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!

# Туркистон

Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий газетаси

1995 йил 1 март. Чоршанба. № 16 (14270) ترکستان ✱ TURKİSTAN Сотувда эркин нархда

# ЎЗБЕКИСТОН ЯНГИ АСР БОШИДА

*Бундан уч йил муқаддам Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо қилинган эди. Ўтган давр ичида мамлакатимиз жаҳон миқёсида мавқе ва эътибор қозонди ва айни пайтда истиқлол биз учун бебаҳо неъматлар инъом этди. Зеро, она юртимиз истиқлолий мадҳиясининг шукуҳли садолари остида ўз байроғи, ўз туғроси, миллий валютаси; осойишталик, ислоҳот ва яратувчилик ишини азиз билган аҳил-тотув халқлари билан янги аср — буюк келажак сари қадам ташламоқда.*

## УМУМХАЛҚ РЕФЕРЕНДУМИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси парламенти ташаббуси билан республика Президентининг ваколатини 1997 йилдан то 2000 йилга қадар узайтириш ҳақида умумхалқ Референдумини ўтказишга қарор қилинди.

Парламент қарорини қандай изоҳлаш мумкин?

*Биринчидан,* Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига асосан Президент айни вақтда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳамдир. Бу ҳолат Конституциянинг 89-модда, 2-қисмида акс эттирилган.

Маълумки, Ўзбекистон Президенти 1991 йил охирида умумхалқ сайлови натижасида беш йил муддатга сайланган эди, яъни Президентнинг ваколати 1997 йилга қадар давом этиши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси эса 1994 йил охирида сайланиб, беш йил муддатдан иборат ваколатга эга бўлади. Унинг ваколати 2000 йилгача давом этади.

Бундай вазиятда, табиийки, хокимиятнинг турли тармоқлари ўртасида ваколат муддатлари жиҳатидан номутаносиблик келиб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Раиси бўлмиш Президентнинг ва Олий Мажлиснинг ваколатлари ўртасидаги бу номутаносибликка барҳам бериш, қонунчилик ва ижрочилик ҳокимиятлари фаолиятини уйғунлаштириш ва мувофиқлаштириш мақсадида Президентнинг ваколатини Олий Мажлис ваколатлари амал қиладиган муддатга қадар узайтириш тақозо этилади.

Нега бу масала айни ҳозирги кунда алоҳида аҳамият касб этмоқда?

Мамлакатимизда давлатчилик шаклланаётган, бошқарувнинг самарали шакли вужудга келаётган бир пайтда, иқтисодиётимизда оламшумул ислоҳотлар жорий этилаётган бир пайтда, маънавиятимиз қайта тикланиб, куч-қувватга тўлиб, халқимиз истиқболига хизмат қилаётган бир пайтда, лўнда қилиб айтганда, халқимизнинг ҳаётини барқарорлаштириш мақсадида аниқ белгилаб олинган сиёсатни оғишмасдан, беҳуда тортишувларсиз, ғоят изчиллик билан охирига етказиш даркор.

*Иккинчидан,* дунё тажрибаси шуни кўрсатдики, давлат бошқаруви тармоқлари бўлмиш қонунчилик, ижрочилик ва суд ҳокимиятларининг муайян бир даврнинг ўзида шаклланиши, уларнинг келажакда ўзаро муносабатларини мувофиқлаштириши учун, олдинда турган муаммо ва вазифаларни оқилона ҳал этишда бир ёқадан бош чиқариб, соғлом муҳит ва соғлом мусобақа шароитида фаол меҳнат қилишлари учун қулай замин яратади.

Қонунчилик, суд ва ижро ҳокимияти ўртасидаги ваколатларнинг вақт жиҳатидан мутаносиблиги сайловчиларнинг айни шу даврдаги онги ва кайфиятига ҳам тўла жавоб беради, мамлакатимиздаги сиёсий-ижтимоий барқарорликни, республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

*Учинчидан,* ўтказиладиган Референдум нафақат Президент ваколатини узайтириш масаласига умумхалқ муносабатини белгилабгина қолмасдан, бугунги кунда Ўзбекистонда амалга оширилаётган давлат сиёсатига, ҳаётимизда бўлаётган ўзгаришларга, истиқбол сари қўйилаётган қадамларимизга, умуман, жамиятдаги ислоҳотларга сайловчиларнинг асл муносабатларини ҳам аниқлашга имкон беради.

*Тўртинчидан.* Бугун — режа ва мақсадларимизни амалга оширишнинг энг нозик ва энг масъулиятли бир пайти. Айни шундай шароитда олий ҳамда маҳаллий вакиллик ҳокимиятларнинг ва давлат бошлиғининг фаолияти муддатини муайян бир вақтда ҳал қилиб, ундан кейин ортиқча сиёсий баҳслашувларни, сайлов ташвишлари ва юмушларини йиғиштириб, ҳокимиятнинг барча тармоқлари баробар бел боғлаб, ишончга сазовор бўлган барча шахслар халқимизга берган ваъдаларига вафодор бўлиб, зиммаларига олган мажбуриятларини амалга ошириш учун астойдил ишлаши, меҳнат қилиши керак.

*ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ БЮРОСИНИНГ ҚАРОРИ*

## ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ II ПЛЕНУМИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

I. Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси II Пленуми 1995 йил март ойининг биринчи ўн кунлигида Тошкент шаҳрида чақирилсин.

II. Пленум кун тартибига қуйидаги масалалар киритилсин:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессиясидаги маърузасидан келиб чиқадиган Ёшлар Иттифоқи ташкилотлари вазифалари тўғрисида.
2. 26 март куни ўтказиладиган Ўзбекистон Республикаси референдумида ёшларнинг фаол иштирокини таъминлашда Ёшлар Иттифоқининг вазифалари тўғрисида.
3. Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитасининг 1994 йилдаги фаолияти ҳақида ҳисобот.
4. Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи ташкилотининг 1994 йилги бюджетнинг бажарилиши ва 1995 йилга мўлжалланган бюджети.
5. Шунингдек, ташкилот ҳаётига оид бошқа муҳим масалалар.

## МЕНИНГ ЎЗБЕКИСТОН — ДИЛБАР ВАТАНИМ!

*Тўрақўрғон туманидаги «Наманагансельмаш» заводида Марказий Осиёда биринчи бўлиб ичига шиша идиш ўрнига пластмасса ўрнатиб, синмайдиган термослар ишлаб чиқарилмоқда. У 16 соат мобайнида иссиқликни сақлаб тура олади.*



СУРАТДА: корхона ишчиси Муҳаббат Абдураҳимова.

Турғунбек МАҲҚАМОВ сурати.

## Яшариш фаслининг ёниқ нафаси

Ислом Каримовнинг «Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари» маърузасини ўқиб

*Фарзанд дунёга келгач, даставвал тилининг чиқиши, атак-чечак юришигача бўлган давр кўнгилни орзиқтириб туради. Кейин унинг тарбияси билан боғлиқ ширин ташвишлар бошланади.*

*Қадим юнонлар бола уч ёшга тўлгач, қамиш ўриб келиш учун уни тўқайга жўнатишар экан. Бунда ҳам ҳикмат бор.*

*Ўзбекистон истиқлолнинг тўртинчи йилига қадам қўйди. Бугун жаҳон ҳамжамиятида унинг ўз нуфузи бор, ўзига хос тараққиёт йўли бор. Шунинг учун ҳам истиқболнинг асосий тамойилларини қайд этар экан, Президент сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда давр илгари сураётган тарихий вазифаларини аниқ белгилаб берди.*

*Асосий тамойилларда қайд этилган вазифалар аниқ, кўламли, мамлакат ҳаётининг барча соҳаси унда қамраб олинган.*

*Тараққиётнинг узоқ даврига мўлжалланган бу дастурий тамойиллар давлат ва жамоат ташкилотлари, ҳокимлик ва вазирликлар, тадбиркору қалам аҳлининг, ёшларнинг, хуллас, ҳар бир фуқаронинг зиммасига аниқ вазифа юклайди. Уни амалга ошириш Ватан чиройини очишга хизмат қилади, бунинг учун эса ҳамжиҳатлик билан ишга киришиш, элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак бўлади, албатта!*

## ФОЗИЛ ОДАМЛАР ШАҲРИГА АЙЛАНСИН!

—дейди филология фанлари доктори профессор Низомидин МАҲМУДОВ

— Телевидение орқали Президентимиз маърузасини тинглар эканман, рости, дилим равшан тортди. Сабаби — биринчидан, узоқни кўзлаб белгиланган асосий тамойиллар Ватаннинг қувватга энуви, халқ ҳаёти фаровонлашуви, ёш авлоднинг комил инсонлар бўлиб тарбия топуви каби ҳаётбахш масалаларга қаратилгандир. Иккинчидан, қайси жабҳада бўлмасин, тамойилларнинг аоссини демократик ақида ташкил этади.

Дастурда ҳар бир фуқаро манфаатигина эмас, балки Ватан ва истиқлол, демакки, келажак наслар манфаати ҳам кўзда тутилган.

Давлатимизнинг эртанги қиёфасини ўзида намоён этиб турган ушбу дастурнинг ҳар бир банди кишида мамнуният қўзғайди. Чунки тамойиллар кун тартибига қўйилишидан аввал, жаҳоний ва миллий давлатчилик тарихи изчил тадқиқ этилган, шунингдек, XX аср талаби, Шарқнинг ўзига хос анъаналари, халқнинг маънавий эҳтиёжи ва донишмандона-ахлоқий ақидалардан келиб чиқиб буюк келажакка элтгувчи йўл белгиланган.

«Демократия — бош йўлимиз» қисмида қатъий бир фикр баён этилган: *«Шарқда демократик жараёнларнинг қадимдан шаклланган ўзига хос ва ўзига мос хусусиятлари бор. Буни асло назардан қочириб бўлмайди».*

Оврупо Уйғониш даврига ғоявий жиҳатдан замин яратган илк ўрта аср Яқин ва Ўрта Шарқ мутафаккирлари, уларнинг ҳаётбахш ҳурфикрлилик қарашлари эмасми, ахир?!

«Бахтга эришиш мақсадида ўзаро ҳамжиҳат халқ — фазилатли халқдир», деган эди буюк мутафаккир. Зеро, ушбу дастурдаги ҳар бир тамойил бизни якдиллик билан иш кўришга, фазилатли халқлардан бўлишга ундайди.

## БИЗНИНГ ХОҲИШИМИЗ ҲАМ ШУ!

Ўтган уч йилни мустақиллик шарофати билан Ўзбекистон иқтисодиётида туб бурилиш ясаган йиллар сифатида тарихда қолиши аниқ. Ахир биз мустақилликка чиққан пайтимизда собиқ Иттифоқдан нималарни мерос қилиб олган эдик? Юртбошимиз ўз нутқларида таъкидлаб ўтганларидек, «... ўта вайрон ҳолдаги марказлашган режали иқтисодиётни, аҳолининг паст турмуш даражасини...» Бошқа ҳеч нарсани эмас.

Лекин кейинги йилларда бозорга ўтиш муносабати билан юртимизда бир қатор янгиликлар қилинди-ки, айниқса, тадбиркор ва ишбилармонларга яратилган шарт-шароитлар ҳам Ўзбекистоннинг иқтисодий юксалишига катта ҳисса қўшаётир. Бу соҳага юртбошимиз шахсан эътибор бериб, у киши томонидан қабул қилинган қатор Фармон ва қарорлар ҳам ўзбекистонлик ишбилармонларнинг ғайратига ғайрат қўшаётган бўлса, хорижлик ишбилармонлар ҳам юртимизга келмоқда. Ватанимизга хорижий сармояни оқиб келиши ҳам, албатта, умумишимизга катта ёрдам бўлади, деб ўйлайман.

Республика Олий Мажлисида кўрилган Президент ваколатини узайтириш ҳақидаги умумхалқ сўрови — референдум ўтказиш тўғрисидаги масала ва шу юзасидан қабул қилинган қарор барчамизнинг дилимиздаги иш бўлди. Чунки бу иш иқтисодий ислоҳотларимизни янада изчиллаштириш, Ўзбекистоннинг ўз тараққиёт йўлидан оғишмай давом этишида катта имкониятларга йўл очади. Шунинг учун ҳам биз талабалар бу Қарорни зўр мамнуният билан қабул қилдик. Зеро, жаҳон тарихида бу каби ҳоллар ягона эмас ва улар асосан хайрли мевалар берган.

Бугун Ватанимиз оёққа турмоқда, иқтисодий жиҳатдан кучга энмоқда, жаҳон миқёсида обрў ва эътибор топмоқда, бу ишларда эса Президентимиз Ислом Каримовнинг хизматлари беқиёсдир. Шунинг учун ҳам биз — талабалар 26 март куни бўлиб ўтадиган референдумда берилажак саволга ижобий жавоб билдиришга қарор қилдик.

Дилафрўз РАҲИМБЕРДИЕВА,
Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти талабаси.

## ИСТИҚЛОЛ — ДИЁНАТ ЙЎЛИ, —

дейди Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси биринчи котиби Алишер ТЕШАБОЕВ

*— Юраги ёниб турган ёшлар ўз салоҳиятларини намойиш этадиган давр бу, зеро, Ватан ва истиқлол иши учун ёниб яшаш саодатдир.*

*Асосий тамойилларда ҳозирги ёшларнинг фидокорлигига алоҳида урғу берилган, улар тараққиётга интилувчи куч сифатида баҳоланган.*

*Бу ишончни оқлаш бизнинг бурчимиздир. Шу хайрли йўлда янгиликка интилиш ва шижоат ҳамиша бизга қанот бўлади.*



## ПОРЛОҚ КЕЛАЖАК САРИ

Ҳар қандай ривожланган жамиятнинг ҳам асосий негизи ва бош устуни иқтисод. Демак, иқтисодчилар. Бу ҳаётнинг инкор этиб бўлмас қонунларидан биридир. Мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ, юртбошимиз эътиборни иқтисодчиларга, жумладан, банк ходимларига қаратганлари бежиз эмас.

Биз банк ходимлари ҳам иложи борича юртбошимиз кўрсатган иқтисодий юксалиш йўлидан бордик ва айтиш мумкинки, ютқазмадик. Мана биргина мисол, тоталитар тузум пайтида мижозлар банк ходимларига илтимос қилиб кун кўришган бўлса, бугун унинг акси. Биз банк ходимлари мижозлар учун елиб югуриб хизмат қиламиз. Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида таъкидлаганларидек, яқин ўтмишимизда бизда «Хўжалик алоқалари бузилган, банк тизими ишдан чиққан эди».

Кейинги уч йилда банк ва банк фаолияти хусусида бир қанча Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорлари чиқди-ки, улар бизнинг тўғри йўлга чиқиб олишимизга хизмат қилди. Банк ва унинг ходимларини тўғри йўлдан ривожланиши эса, албатта, юртимизнинг порлоқ келажаги учун замин яратади.

Одил ҲАЛИМОВ,
банк ходими, Навоий вилояти.

## ҚАЛБИМИЗДА ЯРАТИШ ИШҚИ

Тўғрисини айтиш керак, собиқ Иттифоқнинг зўрма-зўраки пойдеворга қурилган, эрта-индин парчаланиб кетиши аниқ бўлган иқтисодий тизими барбод бўлиши, унинг таркибига кирган барча республикаларнинг иқтисодий аҳволини кескинлаштириб қўйгани ҳеч кимга сир эмас. Бизнинг республикамиз ҳам ана шундай оғир бир вазиятда бозор иқтисодиётига ўтишни бошлади. Вазият ҳар қанчалик оғир бўлмасин, юртбошимизнинг узоқни кўра билишлари, иқтисодиётни чуқур билишлари сабаб, республикамиз ўтиш даврининг гирдобларидан эсон омон чиқиб, ривожланиш сари юз тутди. Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг биринчи сессиясида сўзлаган нутқларида ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратдилар. У кишининг «...ҳар қандай ислоҳот ҳам аввало инсон манфаатига, унинг ҳаёт синовидан ўтган тажрибаларига ва янги жамиятнинг эҳтиёжларига асосланиши лозим», деган сўзларини ўзимизга дастуриламал қилиб олсак, мустақил диёримиз юксалишига бугунгидан ҳам кўпроқ ҳисса қўшган бўлардик.

Муҳаммад Али САИДОВ,
иқтисод фанлари номзоди.

## ЭРКИНЛИК НАМОЁНИ

Ўктам ПРИМОВ,
Хатирчи тумани ЁИ қумитаси биринчи котиби

*Юрт тарихи — улкан бир китоб. Унинг эл ёдида сақланиб қоладиган саналари, дунё тарихининг зарварақларига битиладиган воқеалари саноқлигина бўлади. 1995 йил 26 март ҳам шундай кунлардан бири бўлиши шубҳасиз. Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари муддатини узайтириш масаласи бўйича Ўзбекистон Республикасининг референдуми ўтказилади. Бу қарорнинг чиқиши ҳуқуқий жамият қуришда Ўзбекистонда демократик жараённинг устиворлигини, мустақиллик том маънода эркинлик, озодлик намоёни эканлигининг гаровидир.*

## МАҲАЛЛАДА ГАП КЎП, —

дейди нуроталик маҳалла оқсоқоли Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ.

*— Бир болага етти маҳалла ота, деган гап бежиз айтилмаган. Ҳаётимизнинг муайян йўналиш ва файз касб этишида азал-азалдан маҳалла бош омил бўлган. Кўркам удумларимиз бор: энг оғир юмушлар ҳам кўпчилик бўлиб, ҳашар воситасида осон ҳал қилинади. Мушкул муаммолар ҳам кўпни кўрган оқсоқолларнинг бир оғиз доно гапи билан ечилади. Халқимизнинг ҳаётига тароват бахш этувчи бу фазилатлар маҳаллаларга файз киритмоқда. Асосий тамойилларда қайд этилганидек, келажак йўлида маҳаллаларга таянсак, хато қилмаймиз.*

## МАЪНАВИЯТНИНГ БЕҒУБОРЛИГИ УЧУН

Йўлдош ЭШБЕК,
Ҳамид Олимжон мукофоти соҳиби, шоир

*Президентимиз фаолиятининг дастлабки кунлариданоқ маънавият ва маърифатга алоҳида эътибор бериб келмоқда, хусусан, Республика Олий Мажлисининг биринчи сессиясида қилган маърузасида Президент бу борадаги дастурий ниятларни баён этиб қолмай, миллий маънавият жонкуяри сифатида муайян камчиликлар, уларни бартараф этиш имконлари ҳақида ҳам атрофлича тўхталди.*

*Маънавият миллатнинг камолотини белгилайди, камолотга эришган халқ эса мамлакатининг кўркли, маҳобатли бўлишини таъмин этади.*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари муддатини узайтириш масаласи бўйича 1995 йил 26 март, якшанба куни бўладиган Ўзбекистон Республикаси референдуми ва асосий тамойиллар ҳеч бир кишини бефарқ қолдиргани йўқ. Чунки у эртанги кунга қатъий ишонч руҳи билан суғорилган. Қолаверса, вазифалар аниқ, ҳар бир фуқаро учун равшандир. Энг муҳими, моҳият эътибори билан улар хайрли ва савоб ишлардир.*

*Тўғри, бу вазифалар жуда улуғвор, аммо уни амалга оширишни таъмин этадиган шароит ҳам, шу мақсад йўлида тонгни шомга улаб тер тўкадиган оловқалб фидойилар ҳам юртда мавжуддир.*

*Осойишталик, аҳил-тотувлик, ҳамкорлик бўлса, бас, оталар юрти кундан-кун чирой очиб бораверади.*

